FARG’ONA VILOYATI FURQAT TUMANI HOKIMINING QARORI

2021 - yil 29 - iyun 6-11-164-Q/21 Furqat tuman hokimligi

Фурқат тумани ҳокимининг эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган қарорларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 сентябрдаги ПФ–6075-сон “Ўз аҳамиятини йўқотган қонунчилик ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш тизимини жорий этиш орқали мамлакатда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6 ва 25-моддаларига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 сентябрдаги ПФ–6075-сон Фармони билан 2021 йил 1 июнга қадар маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини бекор қилиш чораларини кўриш белгиланганлиги инобатга олинсин.

2. Туман ҳокимиг эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган норматив тусдаги қарорлари иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Туман ҳокимлиги Матбуот хизмати (Ё.Исоқов) мазкур қарорни расмий эълон қилинишини ва ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилишини таъминласин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари М.Орипов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **Ж.Жуманов**

Фурқат туман ҳокимининг
2021 йил 29 июндаги
6-11-164-Q/21-сон қарорига
1-илова

Туман ҳокимининг
2021 йил ___ июндаги
__-сон қарорига
ИЛОВА

Туман ҳокимининг ўз кучини йўқотган деб

эътироф этилаётган айрим қарорлари

РЎЙХАТИ

1. Фурқат туман ҳокимининг 2018 йил 5 октябрьдаги “Туманда ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини 2019 йил учун банд қилиб қўйиш тўғрисида”ги 2163-сонли қарори.

2. Фурқат туман ҳокимининг 2019 йил 7 мартдаги “Автомототранспорт воситаларини йиллик мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида”ги 1013-сонли қарори

3. Фурқат туман ҳокимининг 2019 йил 13 апрельдаги“Тумандаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникаларни, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида” ги 1275- сонли қарори

4. Фурқат туман ҳокимининг 2019 йил 25 сентябрьдаги “Туманда ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тўғрисида”ги 3687 -сонли қарори

5. Фурқат туман ҳокимининг 2020 йил 2 мартдаги “Автомототранспорт воситаларини йиллик мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида”ги 187-сонли қарори.

6. Фурқат туман ҳокимининг 2019 йил 14 февральдаги “Фурқат тумани маҳаллий бюджетининг 2019 йилги асосий кўрсаткичлари тўғрисида”ги 434-сонли қарори.